



ТОШКЕНТ ХАЛҚИНИЁТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
2 июнь
ШАНБА
№ 45
(11.952)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Тақдимот ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Халқаро болаларни химоя қилиш куні арафасида Япония ҳукумати Тошкент шаҳри ва вилоятининг бир неча тиббиёт ҳамда таълим муассасаларига грант асосида замонавий асбоб-ускуналар тақдим этди.

Мазкур хайрия ёрдами доирасида вилоятимизга 156,6 минг АҚШ доллари-дан зиёд грант ажратилиб, мактаб таълимини ривожлантириш, ўқув машғулотлари ҳамда тиббий хизматни яхшилаш мақсадларига йўналтирилди.

Шифохонамиз 2004 йилда давлат дастурига биноан капитал таъмирдан чиқарилган, — деди Бекобод шаҳар болалар шифохонаси бош шифокори Отабек Қўзибоев. — У 60 ўрин-га эга бўлиб, эмизикли ва кичик ёшдаги болалар ҳамда чақалоқлар паталогияси, шунингдек, интенсив даволаш бўлимида мавжуд.

Йил давомида режага

асосан 2300 бемор бола даволанади. Уларга 5 нафар шифокор ҳамда 55 нафар ҳамшира хизмат кўрсатиш-ди.

Тиббиёт ускуналарининг етишмаслиги, борларининг эскирганлиги ўз вақтида ма-лакка ердам кўрсатишга имкон бермасди. Шифохо-на Япония ҳукумати ажрат-ган грант қўлиб олиниб, 82,638 АҚШ дол-лари миқдорида сунъий ўпка вентеляцияси, ультра товуш текшируви аппарати, ЭКГ, ЭГДС, атом инкубато-ри каби тиббиёт ускуналарига эга бўлди. Уни Япония «SYNERGY CORPORATION» фирмасининг Тошкентдаги филиали етказиб берди.

Шаҳар болалар шифохо-

насида ўтган тақдимот ма-росимида Япониянинг Ўзе-кистондаги элчихонаси ва-кили Хироко Китакура, рес-публика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги ҳамда марказий шифохона вакиллари ишти-рок этиб, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳо-фаза қилиш масалалари дав-лат сиёсати даражасида эканлиги ва ёш ўғил-қизлар саломатлигини сақлашни янада яхшилаш йўлида олиб борилаётган кенг қўлама-даги ислохотлар ҳусусида сўз юритишди.

Шунингдек, иштирокчи-лар шифохона фаолияти ва беморлар ҳаёти билан та-нашишди. Бу ерда яратил-ган шароит ва имкониятлар барчада яхши таассурот қолдирди.

Ангрен шаҳридаги 33-мактабда ҳам шундай тақ-



димот маросими бўлиб ўтди. Япония ҳукумати гран-ти (63.981 АҚШ доллари) асосида бу ерда синф ме-белларидан бошлаб спорт асбоблари ва ўқув устахона-си ускуналаригача янгилан-ди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА:

тақдимот маросимларидан
лавҳалар.

Даврон АҲМАД
олган суратлар.

ҲАШАРГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан 1997 йилдан бўён аъёнавий «Экология ва саломатлик кунлари» ўтказилиб келин-моқда. Уч босқичда ташкил этиладиган мазкур тад-бир Ижтимоий химоя йилида алоҳида аҳамиятга эга.

Бугун эса «Экология ва саломатлик кунларининг» иккинчи босқич тадбирла-рига биноан экологик ҳашар ўтказилади. Унда мулкчилик шаклидан қатъи назар 11 мингга яқин кор-хона, ташкилот ва муассаса жамоалари қатнашиши ку-тилмоқда.

Ҳашарда ҳудудларни то-залаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўй-ча кенг қамровли ишлар бажарилади. Кўплаб бино ва иншоотларнинг санитар ҳолати яхшиланади, оро-лар майдончалари, бола-гоҳлари эса ёнги дам олиш мавсумига ҳозирланади. Ка-нализация тармоқлари, очиқ сув хавзалари ҳамда зах ерувлар тартибга кел-тирилади.

Экологик ҳашардан туш-ган бир кунлик иш ҳақи «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастурининг ама-лиётига, «Экосан» автопо-ездлари орқали ижтимоий химояга муҳтож, кам таъ-минланган оилаларга, бо-қувчисини йўқотган бола-ларга, ёлғиз оналарга, қарияларга, кўп болали оилаларга меҳр-мурувват ёрдамида кўрсатиш учун сарфланади. Маблағлар «Экосан» халқаро таш-килотининг вилоят фи-лиали ҳисоб рақамига ўтказилади. Филиал-нинг ҳисоб рақами: 20212000300431331004. Тошкент шаҳри, АТ «Пах-табанк»нинг Тошкент вило-яти ҳудудий филиали, МФО 00454, ИНН 201162995.

Анжуман ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

«ЭКОСАН» халқаро ташкилотига Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган «Эко-логия ва саломатлик кунлари» 2-босқич тадбирла-рининг мақсад ва вазифалари ҳамда амалиёти бўй-ча матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидлангани-дек, Ижтимоий химоя йили муносабати билан аъёнавий айланган ушбу тадбирлар-нинг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Июнь-август ой-ларида режага кўра, ижти-моий соҳага йўналтирилган хайрия акциялари, экологик ҳашарлар, экофестиваллар ва экологик таълим-тарбия бўйича кенг қамровли тар-ғибот-ташвиқот ишлари да-вом эттирилади.

Уларда вазирлик ва идо-ралар, ҳокимликлар, шунингдек, сонаот, қурилиш, транспорт, кишлоқ ҳўжалик ташкилотлари жамоалари, талаба ва ўқувчилар ҳамда аҳоли вакиллари иштирок этиши кўзда тутилган.

Шунингдек, сув ресурслари-ни, айниқса, тоза ичимлик сувини тежаб ишлатишга, сув

хавзалари, ер ресурсларини муҳофаза қилишга, чиқинди-ларнинг ўз вақтида олиб чи-қиб кетилишига, руҳсат этил-маган чиқиндиҳоналарни йўқ қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширили-шига эътибор қаратилади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 5 июнь кунги «ЭКОСАН» халқаро ташкило-ти, БМТ тараққиёт дастури-нинг Ўзбекистондаги вако-латхонаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куні ҳамда «Экосан» ташкилотининг 15 йиллигига бағишлаб Ўзбеки-стон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қошидаги спорт-соғломлаштириш маж-муасида Экофестиваль ўтқа-зилади.

Хуришда НАЗАРОВА.

Тошкент туманидаги Келес марказий ўйин-гоҳида ўқув йилининг якунлашиши ҳамда Халқаро болаларни химоя қилиш куні му-носабати билан катта концерт дастури бўлиб ўтди.

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Тадбирни ташкил этиш-да «Қувайт» халқаро жам-гармаси, республика «Фалак нури» нодавлат-нотижорат ташкилоти, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жам-гармаси туман бўлими ҳамда тадбиркорлар ҳам-корлик қилишди. Унда ўқув йили мобайнида фақат аъло баҳолар ва намунали хулқ билан таълим олган туман мактаблари бир гуруҳ ўқу-вчилари тақдирланди. Кам таъминланган ҳамда ижти-моий химояга муҳтож оила фарзандларига ҳам моддий ёрдамлар топширилди.

Хушовоз хонандаларнинг куй-қўшиқлари ҳамда таниқ-ли сўз усталарининг чиқиш-лари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Хурият МҲМИНОВА.

СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Ўзбекистон келажаги бўлмиш азиз болажонлар тарбия-сига эътибор, ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиш-лари учун ғамхўрлик кўрсатиш Ижтимоий химоя йили-да янада юқори босқичга қўтарилди.

Кибрай туманидаги вило-ят руҳий аномал болалар уйи тарбияланувчилари ҳу-зида Халқаро болаларни химоя қилиш куні муноса-бати билан ўтказилган катта байрам тадбирида вилоят ҳокимлиги ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари 26 миллион сўмлик турли ёрдам буюмлари, вилоят ҳокимлиги томонидан мукам-мал таъмирдан чиқарилган янги бино, туман ҳокимлиги

ҳамда вилоят ўрта махсус касб-хўна тарбия мар-маси томонидан ажратилган «Дамас» автомашинаси, шунингдек, саховатпешалар томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар болажонлар саломатлиги ва камолотининг кафолати эканлигини таъ-кидладилар. Кўрсатилган меҳр-оқибат болажонлар қал-бидаги Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларининг шакл-ланишида муҳим омил бўли-ши шўбҳасиз.

Саида РАҲМОНОВА.



Пилма — 2007

УЧ ТУМАН МАРРАДА

Вилоятимиз пиллакорлари етиштирган ҳосилни пешма-пеш қабул пунктларига етказиб бериш жараёни ҳал қилу-чи паллага кирди. Якунланаётган ҳафтада дастлабки уч туман пиллакорлари давлат эҳтиёжлари учун қимматбаҳо хом ашё етказиб бериш шартнома режаларини бирин-кетин ортиғи билан адо этди.

Айтиш жоизки, мавсумда қарвонбонилик қилган Бую тума-ни фермерлари вилоятимиз хирмонига энг кўп улуш қўшди-лар. Қабул пунктларига 177 тоннадан зиёдроқ «қумуш тола» етказиб берилди. Бу ўтган йил-дагидан анча кўпдир. Уртанча ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзидаёқ 55 килограммдан ош-моқда. Бу билан бўжалик пил-лакорлар тармоқда ортиқроғи бой таҳрибаларини яна бир қарра намён этдилар.

Муваффақиятининг асосий омил тармоқ меҳнатқашлар-нинг моддий манфаатдорлиги ошиб, меҳнат ва ташаббусга яраша қўшимча рағбат қўраёт-ганлиқларидир. Шунинг учун қўламада ипак курти уруғини қабул қилиб олган 1100 та фермер ҳўжалигининг 3200

чиқ пиллаҳонаси» шўба кор-хонаси раҳбари Турсунбой Ту-ронқовлар. — Бугунги ютук улар-нинг матонатли меҳнатлари ҳосилдир. Айниқса, Ҳалима Уринбоева, Лазоқат Юсупова, Қаромат Қўзибоева, Қўйсина Қултонбоева, Жаннат Барқашо-ва каби таҳрибали пиллакор-ларимиз ҳар қўтидан 65-70 килограммдан ҳосил олиб, хир-монга барака киритдилар. Улар меҳнатини муносиб рағбатлан-тириш мақсадида корхонамиз ҳисобидан қимматбаҳо совға-лар, зарур уй-рузгор буюмла-ри таъсис этганимиз.

Бу мавсум Покент тумани пиллакорлари учун айниқса, омадли келди. Улар эришган ютукни сўғити пайтлар туманда кишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоқлари сезиларли даража-да ривожланаётгани билан изоҳ-лаш ўринлидир. Илгарилари туманда пилла етиштириш мав-суми турли сабабларга кўра қўзилиб, ҳосилнинг ҳам путури кетиб бораётган эди. Тармоқ-даги жадал ислохотлар, ҳусусан, фермерлик ҳаракатининг изчил шаклланиб бориши, шунга яра-

ша оддий одамларнинг моддий манфаатдорлиги ошаётгани ту-рфайли туман пиллакорлари ҳам ўзларини анча ўнглаб олдилар. Туманда пилла тайёрлаш шарт-нома режаси бу йил вилоятда биринчилар қаторида бажари-гани шундан. Туман пиллакор-лари мавсумда 2350 қўти ипак курти парваришлаб, қабул пунктларига қарийб 105 тонна сара ҳосил етказиб бердилар. Энг муҳими, бу жараён ҳали авж паллада давом этаётир. Демак, туман фермерлари бу йил тар-моқдан салмоқли даромад кўра-дилар.


Шунингдек, мўл ҳосил етиштирган Чиноз ва Қўйичи-чиқ тумани пиллакорлари ҳам бугун-эрта шартнома режасини бажарадилар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТДА:

бўжалик таҳрибали пиллакор
Мақсуда Анорбоева.

Даврон АҲМАД
олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри, 2007 йил 30 май.

И. КАРИМОВ.

Болалар ёзи – 2007

ҲАДЕМАЙ ҚУВНОҚЛАР ОВОЗИ ЯНГРАЙДИ

Қорли қоялар этагидида арчазорлар, хушхаво болалар, сарсув дарё ва сойлар бўйидаги болалар оромгоҳларида шу кунларда иш нихотда қизгин. Кичкинтойларни кутиб олиш учун сўнгги тайёргарликлар қўриляпти.

Эрта-индин уларнинг бағри ўйил-қизиларининг жарангдор овозлари, шўх-шўх мусика оҳангларига тўлиб кетади. Болаларнинг ёзи дам олиш мавсуми бошланади.

— Бу мавсумда шаҳардан ташқари 11 та оромгоҳ 10 минг 920, мактаблар қошдаги оромгоҳлар эса, 11 минг 430 болани қабул қилади, — дейди қасаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудир Эйтиборхон Раҳмонова.

— Қасаба фаоллари ва мутахассислар иштирокида уларнинг мавсумга тайёргарлик даражаси ўрганиб чиқилди. «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Металлург»,

«ОКМК» очик акциядорлик жамиятининг «Тонг», «Тошпах-тасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг «Келажак», «Электримбасаноат» очик акциядорлик жамиятининг «Кимёгар», «Ўзбеккимё-маш» очик акциядорлик жамиятининг «Хумо» сингари оромгоҳларида болаларни қабул қилиб олиш учун ҳамма нарсга таяди.

«Бекободсентмент» акциядорлик жамияти «Еш цементчи» болалар оромгоҳини таъмирлашга 50 миллион сўмдан кўпроқ маблағ, атарли техника ва ишчи кучи ажратган.

Оромгоҳда кўнгил ёзилиб, кўз қувнайдиган ўзгаришлар кўп. «Хайвонот олами» жонли бурчаги болакайларга, айник-

са, манзур бўлиши шубҳасиз.

— Сузиш ҳаваси мутлақо янгилашиб, атрофи ўралди, — деди оромгоҳ бошлиғи Рания Хайдарова. — Алоҳида гигиена хонаси барпо этилди. Ошхона учун унча янги музлаткич олдиқ. Озиқ-овқат маҳсулотларини «Бекобод-савдо», «Муруват» масъулияти чекланган жамияти, «Боложон» фирмасидан шартнома асосида оламиз.

Табиийки, оромгоҳда ҳали бажариб улгурилмаган ишлар ҳам йўқ эмас. Текширувчилар уларни алоҳида-алоҳида кўрсатиб, битказиш мuddатларини белгилашди.

— Биринчи навбатга болаларни 19 июнь кўни қабул қиламиз, — деди хўжалик ишлари бўйича раҳбар Даврон Пардаев. — Бу камчиликларни эрта-индин бартараф қилиб, кичкинтойлар ёзи марокли ўтказишлари учун оромгоҳни ҳар жихатдан тайёрлаймиз.

Жўрабек МУРОДОВ.

БОЛАЛАРГА —
ЗАМОНАВИЙ НАШРЛАР

Ижтимоий ҳимоя йилида Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси Сийбис Кенгаши ҳамда вилоят кенгаши ҳамкорлигида Бўка туманидаги «Меҳрибонлик уйига» «Адолат» сўзи туширилган футболкалар ва турли мавзулардаги 500 дондан зиёд китоб ҳамда қўлланмалар топширилди.

Ўқув қўлланмалари ва дарсликларнинг маълум қисми партиянинг марказий девони ва партиядан сайланган депутатлар томонидан йиғилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфидagi нашриёт-матбаа ижодий уйлари ва «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти 80 нонда, 378 нускада, 189 минг сўмлик ижтимоий-сиёсий, бадиий, адабий йўналишлардаги ва болаларга доир бошқа мавзудаги адабиётлар ажратди. Албатта, бу ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, ўзаро меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Хомийлар болаларга эсдалик совғалари топширишди.

Илҳом ЖУМАНОВ
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийбис Кенгаши матбуот хизмати котиби.

Учрашув

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кунга гўзаллашиб, чиroy оцаётди. Шу фусункор кунларнинг бирида ижодий гуруҳимиз Охангарон туманидаги Сусам қишлоғи томон йўл олди. Сафаримизни буюк аждодларимиз мероси бўлган «Жирмис ота» қадамжосини зиёрат қилишдан бошладик.

Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг вилоят бўлими, Охангарон тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олди-дан «Инсон манфаатлари — олий қадрият» мавзусида ўтказилган тадбир Сусам қишлоғи Илғор маҳалласи фуқароларида чуқур таассурот қолдирди. Қишлоқ гузари кўркам, атроф гуллар билан бурканган. Мезбонлар юзларида табассум, очик чехра билан қарнай-сурнай садолари остида таширф буюрган меҳмонларни кутиб олдилар. Тадбирда маданият ва маърифат соҳалари вакиллари, сиёсий шарҳловчи, шоир ва санъаткорлар иштирок этди. Тадбирни туман ҳокими кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида анъ-



анавий тарзда ўтказилаётган бундай тадбирларнинг аҳамияти ва самарасини алоҳида таъкидлади. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон мустақиллик йилларида эришган ютуқлар ҳақида атроф-ида тўхталишди. Бугунги кунда республикамизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислохотлар инсон манфаатларига хиз-

мат қилиши кераклигини таъкидладилар.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Сусам қишлоғида 100 нафар 1-синфни тугатган ўқувчиларнинг ҳар бирига



вилоят кенгаши депутати Абдуносир Қосимов 20000 сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчасини топширди. Бундай эътибор фарзандларимизнинг келажакда маънавий баркамол инсон бўлиб вояга етишишлари учун замин яради.

Иштирокчилар мамлакатнинг чекка қишлоқла-

АДВОКАТУРА — МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ҲИМОЯ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари шулар жумласидандир.

Давлат органлари томонидан адвокатура идораларининг ички ишлари аралашувага чек қўйиб, ҳимоя ҳуқуқининг дахлсизлиги таъминлан-

моқда. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини таъминлайдиган лицензиялар бериш учун малака имтиҳонларини қабул қилиш бевосита адвокатларнинг тенг иштироки билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистонда адвокатура-ни ривожлантиришнинг йўналишлари бағишлаб

ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда гап борди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳмаси масъул ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, судьялар, адвокатлар ва олимлар иштирок этган тадбирда ҳозирги кунда юртимизда 23 адвокатлик ҳайъати, 375 адвокатлик фирмаси, 488 адвокатлик бюроси фаолият кўрсата-

ётгани таъкидланди. Уларда тўрт мингга яқин адвокат фаолият кўрсатмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари адвокатура институтининг жамиятдаги маъқеини янада ошириш мақсадида мавжуд муаммоларни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Бунёдкорлик

АВВАЛ ШАРОИТ,
СЎНГРА СИФАТ

Бугун қайси соҳага назар ташласангиз, ишбилармонлик, тадбиркорлик кенг қулоқ ёзаётганига гувоҳ бўласиз. Хусусий мулкчилик ривожланиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари мамлакат халқ ҳўжалигида асосий ва ҳал қилувчи қучга айланиб бормоқда.

— Бунинг барчаси мустақиллик берган имкониятлар, кенг қўламада олиб борилаётган ислохотлар меваси, — дейди хусусий тадбиркор, «Бинокор-курилиш-таъминот» корхонаси раҳбари Баҳодир Хайиткулов. — Ишбилармонларни қўллаб-қувватловчи бир қатор меърий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимояланиб, фаолиятлари ҳар жихатдан қўллаб-қувватланмоқда. Тадбиркорларнинг энди-ги вазифаси меҳнат қилиш, излаш, инти-

дилар. Шукрки, бугун корхонамиз ишлари анча изга тушди. 2003 йилдан буён вилоятдаги бир қатор ижтимоий аҳамиятга эга бинолар қурилишида фаол иштирок этиб келамиз.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, вилоятда бунёдкорлик билан шуғулланувчи хусусий корхоналар йил сайин қўлайиб бора-япти. Бироқ айрим қурилиш ташкилотлари ишининг сифати қўнгилдагидек эмас.

— Бу корхона вилоятдаги энг намунали қурилиш ташкилотларидан ҳисобланади, — дейди Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясининг ҳудудий нозир Шавкат Худойкулов. — Бунинг боиси бор, албатта. Ишчилар асосий эътиборни сифатга қаратади. Айрим камчиликлар бўйича қурилиш давомида берилган кўрсатмалар ҳам ўз вақтида бартараф этилади. Шунинг учун корхонага берилган объектлар сифати қўрилиб ёки таъмирланиб, ўз вақтида топширилади.

Ҳар бир ишнинг муваффақияти молиявий таъминотга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. «Бинокор-курилиш-таъминот» корхонасининг ривожланишига ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк» вилоят минтақавий филиали муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Бундай ишончли ҳамкорларимизга ҳар томонлама қўмак беришга тайёриэмиз, — дейди банк бошқаруви раиси Маҳмуд Мирзаев. — Баъзан корхона кредитга эҳтиёж сезади, гоҳида эса пул ўтказмаларини ташлаштиришга тўғри келади. Шундай пайтларда банк-миз миҳозларга ишончли суянчиқ бўлади.

Корхона ишчилари ҳозир Ўртачирчиқ тумани Чигирчиқ қишлоғида «Саноат ва сервис» касб-

хуона коллежи биносини қуришмоқда. Қарийб икки миллиард сўмдан зиёд қўлматга эга ушбу қурилиш объекти шу йилнинг августида давлат қабул комиссиясига топширилиши режалаштирилган. Ҳозир бино томи ёпилиб, ички пардоз ишлари қилиниб кетган.

Ҳар йили корхона қарийб 2,5-3 миллиард сўм маблағ ўзлаштиради. Бу йил ҳам туманда коллеж, битта янги мактаб қуриш ҳамда Дархон маҳалласидаги 28-мактабни капитал реконструкция қилишда қарийб 3 миллиард сўмлик иш бажариш кўзланмоқда.

Объектларда ишлатилётган асосий қурилиш ашёлари вилоятдаги корхоналардан харид қилинмоқда. Шунинг учун корхона «Охангаронсентмент», «Охангаронсифер», «Ўзметкомбинат» каби йирик ишлаб чиқариш бirlашмаларининг ишончли ҳамкорига айланган.

— Анчадан буён шу корхонада ишлайман, — дейди чилангар Юсуфбой Матқубов. — Меҳнатимизнинг оғир-енглигига қараб, 120 мингдан 180 минг сўмгача иш ҳақи оламиз. Корхона раҳбарлари оилавий муаммоларимизни ҳал этишга ҳам қўмаклашиб туришади. Шунинг учун бу ерда ишлашни хоҳловчилар кўп.

— Аввало ишчиларга шароит яратиб, кейин қурилишда сифат ва суръатни талаб қиламиз, — дейди Баҳодир Хайиткулов. — Қолаверса, халол ишласанг, кўпчиликнинг ҳақиға хўнаёт қилмасанг, ишда ривож, барака бўлар экан. Мен бунинг фаолиятим давомида тушуниб етдим.

Дарҳақиқат, қаерда ишга масъулият билан ёндашиб, қонун доирасида фаолият олиб боришга ўша жойда ривожланиш бўлишини «Бинокор-курилиш-таъминот» корхонаси фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Саброна ЗОКИРОВА,
академик лицей талабаси.

Сўранг, жавоб берамиз

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Товар ёки кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида қандай маълумотлар олишга ҳақлимиз?

Тоҳир МАХМУДОВ,
Бўка тумани.

Саволга Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Гулчехра АББОСОВА жавоб беради.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги

маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоиси ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафилилик мажбуриятлари;

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

товарнинг хизмат (яроқлилик) мuddати ва ушбу мuddат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек, таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхона-

наларнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммалардан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот. Сертификатларини шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхта-тиб турилишига сабаб бўлади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳо

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси «Respublika Mulk-Auktsion» ДУК билан ҳамкорликда барча сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошмиши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

3 июль кўни соат 15.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

Русуми	Давлат белгиси	Ишлаб чиқарилган йили	Тури	Бошланғич баҳо (минг сўм)
Чиноз шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 15-уйда жойлашган, Чиноз тумани ҳокимлигига қарашли				
Нексия носоз (ок ранг)	11 TV 015	2004	Енгил	603,900
Ушбу очик аукцион савдоларида сотилмай қолган автотранспорт воситасининг такрорий савдоси 2007 йил 10, 17 июль кўнлари соат 15.00 да ўтказилади.				
Шунингдек, 3 июль кўни соат 15.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги ер майдони қўйилади:				
Мулк номи	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳо (минг сўм)		
Зангиота тумани, «Эркин» ширкат ҳўжалиги ҳудудига жойлашган, сатҳи 600,0 квадрат метр бўлган 4-ер майдон	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эркин» ширкат ҳўжалиги	927,00		

Ушбу очик аукцион савдоларида сотилмай қолган ер майдонининг такрорий савдоси 2007 йил 10, 17 июль кўнлари соат 15.00 да ўтказилади.

Аукцион савдолари Давлат мулк қўмитаси биносининг биринчи қаваати чап қанотидаги савдолар залда ўтказилади.

Аукцион савдоларида катнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс катнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишоннома тақдим қилиш лозим.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун «Заказат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, заказат пулини тўлаган хариддорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин, ер майдонлари учун 3 (уч) кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида катнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда «Respublika Mulk-Auktsion» ДУКнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Марказий амалиёт минтақавий филиалидаги МФО 00442, СТИР 206761326, ОКОНХ 84100, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига заказат пули тўлашлари шарт.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шўх кўчаси, 55-уй, Давлат мулк қўмитаси биноси биринчи қаваатининг чап қанотидаги савдолар ўтказиш зали.

Телефонлар: 139-83-82, 150-35-55. Факс: 139-83-77.

1. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 4 декабрдаги 11-0617/10422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пскент тумани Давлат солиқ инспекцияси биноси манзилида сақланаётган, «Тикко» русумли, давлат рақами 11 АЕ 326 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 1 923 000 сўм.

2. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 4 декабрдаги 11-0617/10422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пскент тумани Давлат солиқ инспекцияси биноси манзилида сақланаётган «ГАЗ-53» русумли, давлат рақами 11 АГ 703 бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 1 800 000 сўм.

3. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 4 декабрдаги 11-0617/10422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пскент тумани Давлат солиқ инспекцияси биноси манзилида сақланаётган «ГАЗ-53» русумли, давлат рақами 11 АГ 303 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 1 500 000 сўм.

4. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 4 декабрдаги 11-

0617/10422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пскент тумани Давлат солиқ инспекцияси биноси олдида сақланаётган «Зил ММЗ 554» русумли, давлат рақами 11 АГ 281 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 830 000 сўм.

5. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 4 декабрдаги 11-0617/10422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пскент МТП корхонасида сақланаётган «Москвич ИЖ 2715» русумли, давлат рақами 11 АГ 318 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 135 000 сўм.

6. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 19 июндаги 11-0617/6584-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Пскент туман ПМК-3 қурилиш корхонаси омборхонасида муҳрланган ҳолатда сақланаётган «ГАЗ-5312» русумли, давлат рақами 11 АХ 274 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 1 400 000 сўм.

7. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 19 июндаги 11-0617/6584-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Пскент туман ПМК-3 қурилиш корхонаси омборхонасида сақланаётган «ГАЗ-5312» русумли, давлат рақами 11 АХ 275 бўлган, 1990 йилда

ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 1 400 000 сўм.

8. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 19 июндаги 11-0617/6584-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Пскент туман ПМК-3 қурилиш корхонаси омборхонасида муҳрланган ҳолатда сақланаётган «ПАЗ 3205» русумли, давлат рақами 11 АС 528 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 2 490 000 сўм.

9. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 19 декабрдаги 11-0617/10423-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пскент туман ПМК-3 қурилиш корхонаси омборхонасида муҳрланган ҳолатда сақланаётган «КАМАЗ 5511» русумли, давлат рақами 11 АС 530 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 3 750 000 сўм.

10. Тошкент вилояти Пскент тумани суд иж- рочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 19 июндаги 11-0617/6584-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Пскент туман ПМК-3 қурилиш корхонаси омборхонасида муҳрланган ҳолатда сақланаётган «ГАЗ 5204» русумли, давлат рақами

ЯКШАНБА 10

Лицензия: DB 001 № 000004

Олий табақа

«МЕТАЛЛУРГ» ҲАМОН
ОХИРГИ ЎРИНДА

10-турнинг кечиктирилган «Металлург» – «Трактор» учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув бошданок футболчилар ҳужумкор ўйин намойиш этдилар. Мехмонлар биринчи бўлиб зафар кучишди. Аммо, Зоҳид Абдуллаев тезда ҳисобни тенглаштирди. Танафусдан сўнг ме-

монлар ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Дилшод Ҳасанов шериқлари ҳаракатини самарали яқунлаб, иккинчи тўпни киритди. «Металлург» ўз майдонда 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

Биринчи табақа

ВАКИЛЛАРИМИЗ ЗАФАР КУЧИШДИ

Чирчиқнинг «Кимёгар» ва Олмалиқнинг «ОТМК» жамоалари чемпионатнинг навбатдаги 13-турида муваффақият қозонди.

«Кимёгар» ўз майдонда «Цементчи»ни қабул қилиб, 2:1 ҳисобида зафар кучди ва оқоларини 21 та етказиб, 7-ўринга кўтарилиб олди. «ОТМК» ҳам ўз майдонда «Шайхонтоҳур» жамоаси билан баҳс юритиб, меҳмонлар дарвозасига 3 тўп киритишга муваффақ бўлди. Учрашув 3:1 ҳисобида якуллан-

ди. Олмалиқликлар очколари сонини 16 тага етказиб, 13-ўринга чиқиб олдилар. Навбатдаги тур учрашувлари 7 июнь кўни бўлиб ўтди. «Кимёгар» Тошкентда «Оқтепа» жамоасига қарши майдонга тушади. «ОТМК» Зарафшонда майдон эгалари билан баҳс юритади.

Талъат ЮСУПОВ.

Аъзам АЗИМИЙ



– Отажон! – деб Ливия онасига ялинди: – Кўйтошга кўнгирик қилинг. Эримни яна бир ҳафтагагина қолдирсин! – Қизалоқни! Ахир соат ўн бўляпти. Уларда эса соат ўн икки, – деди Маргарита Николаевна. – Яхши таниш бўлмаган одамнинг тинчини бузиб, ҳадеб кўнгирик қилавериш одобдан эмас. Энди сен турмуш қурган аёлсан. Аёлларнинг қисмати эса, эрини сафарга қузатиш ва уни орзиқиб қутиш...

Ливия отасининг бағрига отилди.

– Отажон! Сиз буларга тушунтиринг, – деди Ливия йиғи аралаш, биз томонга имлаб. – Ахир биз чиллаликми? Чилламиз чиқмай туриб, орамизда ҳижрон бўлиши катта гуноҳ-ку. Хеч бўлмаса кичик чилламиз чиқсин. Агар Эъзбон эримнинг сафарини бир ҳафтагинага қўйиб берса, 19 октябрга тўғри келарди. Шунда никоҳимизга ропла-роса йигирма кун тўларди...

Алексей Георгиевичнинг юраги эзилди, хотинига кўнгирик қилишни буюрди. Телефонистка бирпасда Кўйтош билан боғланди. Эъзбон билан шахсан ўзи гаплашиш учун Алексей Георгиевич телефон трубкасини хотинининг қўлидан тортиб олди. Аммо кон бошлиғи билан гаплаша олмади. У Тошкентга, мажлисга кетган экан. Алексей Георгиевич трубкани қўйиши билан, телефон ана хиринглади. Бу мени пастда кутаётган такси ҳайдовчиси экан.

СУЯКДАГИ СУРАТ

Қаттиқ оғриқдан уйғониб кетдим. Қаерим оғриётганини англаш учун сал қимирласам, барча суюқларим қашқаб, бутун танамни қалтирқот босди. Аллақачон оёққа туриб олган Ливия ва унинг онаси бири олдиди, бири қўйиб, меҳрибонлик кўрсатишар, бири устимга қўрпа ташласа, иккинчиси иссиғимни тушириш учун ҳар хил дорилар ичирарди. Афтидан, тунда мазам қочганга ўхшайди. Алексей Георгиевич ҳам эшикдан мўралаб, «Тез ёрдам»ни чақирганини айтиди. Хароратим қирқ бир даражага кўтарилиб кетганидан атрофимда бўлаётган воқеаларга ақлим етмас, гап-сўзларга тушунмас эдим. Зудлик билан етиб келган «Тез ёрдам» врачининг қилган уқолидан кейин назаримда танамдаги оғриқ бироз босилгандек бўлди, иссиғим эса икки даражага пайсайдиди. Кўз олдимдаги нарсалар пириллаб айланишдан тўхтаган бўлса-да, кўзимни очолмасдим. Кулоғимга чалинаётган

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

овозларни чала-чупла аңлаётганман-у, гапиришга ҳолим йўқ эди... – Гангрена бошланибди, – деди врач қатъий қарорга келиб, – Бемор зудлик билан операция қилинмаса, ахволи жуда оғирлашади.

– Вой, худойим! – деди Ливия оҳ чекиб. – Одамни кўрқитманг. Ахир анализ-панализсиз бундай хулоса чиқариб бўлмайди-ку? – деди Ливия хавотирланиб.

– Оёғи шилган, бармоқлари қорая бошлаган, иссиғи баянда... Буларнинг ҳаммаси гангренадан дарақ, – деб ўзиникини маъқуллади ёш врач. – Тезлик билан бармоқлари кесиб ташланмаса, гангрена кучайиб, юқорига тарқалади. Беморнинг ҳаёти хавф остида қолади...

Мен бор қувватимни йиғиб, бошимни кўтардимда, аста оёғимга қарадим. Ҳақиқатдан ҳам бир кечада ўнг оёғим тўғри аралаш ишибди кетибди. Бармоқларим эса қўқаринирагандек эди. Оёғимдан ажралиб, яримта бўлиб қолишдан кўрқиб, кўнглим бузилди. Мусофирчиликда

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ томонидан ташкил этилган мусобақанинг биринчи босқинида туртинчи турга келиб, саккизта жувфлик орасида навбатдаги босқинга йўлланма олган дастлабки икки шахматчи аниқ бўлди, беш на-

ҚОСИМЖОНОВ – ГЕЛЬФАНД?
КИМ КУЧЛИ?

Мазкур савол Россиянинг Элиста шаҳрида ўтказилаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш турнирини кузатиб бораётган барча мухлису мутахассисларни қизиқтирмакда.

фар гроссмейстер эса бунга яқин турибди. Фақат 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳамда исроиллик гроссмейстер Борис Гельфанд ўртасидаги партияларда тўртта турдан буён кучлар тенг келмокда ва улардан қай бири иккинчи саралаш босқинига йўлланма олиши ҳаммани қизиқтираётди.

Рустам Қосимжонов навбатдаги партияда оқ доналар

билан ўйнади. Бу гал ҳам беллашув кескин ва мurosасиз курашларга бой бўлди. Ҳар икки гроссмейстер бир-бирининг "шоҳ"-ини мот қилишга ҳарчанд уринмасин, бунинг илоҳи топиладди ва қирқ саккизинчи юришда баҳс яна дуранг



билан якулланди. Умумий ҳисоб – 2:2.

Туртинчи турда Рустам Қосимжонов ва Борис Гельфанд ташқари украинalik собиқ жаҳон чемпиони Руслан Пономарёв россиялик Сергей Рублевский билан қай бири иккинчи саралаш босқинига йўлланма олиши ҳаммани қизиқтираётди.

Рустам Қосимжонов навбатдаги партияда оқ доналар

Эслабди ўтамиз, ҳар бир шахматчи 3 июнга қадар давом этадиган биринчи босқинда ўз рақиб билан олти партия ўйин ўтказди. Агар умумий ҳисобда дуранг натижа қайд этилса, голиб "тай-брейк"да аниқланади. Ҳозирча, "тай-брейк" қача етиб бориши мумкин бўлган жувфлик Рустам Қосимжонов ва Борис Гельфанддир.

Зоҳир ТОШЎҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ – 2007»

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган «Болалар дунёси – 2007» иккинчи ихтисослашган кўргазмаси якулланди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ўтган ушбу тадбирда мактабгача таълим муассасалари учун жиҳозлар, услубий қўлланмалар, дидактик воситалар намойиш этилди.

Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасалари бўлими раҳбари Феруза Ваҳобованинг таъкидлашича, таълим мазмунини янада юксалтиришда педагогик қўлланмалар, адабиётлар, дидактик материаллар, матабаа маҳсулотларининг сифати ва турини ошириш асосий

омиллардан биридир. Шу боис таълим-тарбия масканларини зарур ўқув воситалари билан таъминлашда, педагогларга услубий кўмак кўрсатишда иккинчи марта ўтказилган мазкур кўргазманинг аҳамияти каттадир.

Икки кун давом этган кўргазмада «Элхондин» масъулияти чекланган жамияти, «Кўргон калон», «Хувайдо-мебель» хусусий фирмалари, «Мавера» қўшма корхонаси, «Шарқ зейбони» китоблар маркази ўз маҳсулотларини намойиш этди.

ЎЗА.

СУРАТЛАРДА –
ТАЛАБА ҲАЁТИ

Тошкент Фотосуратлар уйда «Объективда талабалар ҳаёти» мавзусидаги фотокўргазма очилди. У «Ўзбекистон давлати ва санъат форуми» жамғармаси ҳашар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилди.

«Объективда – талабалар ҳаёти» мавзусидаги ижодий лойиҳани ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад фото санъатида ўз йўналиши ва услубини топишга интилаётган ёшларнинг қўлаб-қувватлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини намойиш этиш учун имкон яратиш, йиғит-қизларнинг ижодий ташаббус ва лойиҳаларини амалга оширишга яқинда қўмақлаштишдан иборат. Бу ерда намойиш этилаётган фотосуратларда мамлакатимизда талаба-ёшларнинг ҳушқин ҳаёти, улар учун яратилган кенг шароит ва имкониятлар, замонавий таълим даргоҳларининг фаолияти ақ эътирилади.

Уч кун давом этадиган кўргазмада Россия, Германия, Польша каби давлатларнинг фотожурналистлари ишлари билан ҳам танишиш мумкин.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Тошкент шаҳри ва
вилояти аҳолиси
диққатига!

«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси тасарруфидаги шахар ва туман газ таъминоти филиалларига танлов асосида 20 ёшдан юқори бўлган, жойларда доимий рўйхатда турган эркак ва аёллар «Газ хўжалиги назоратчи»си лавозимига ишга қабул қилинади. Ўртача ойлик маоши 90000 сўмдан юқори, йўл қира ҳақи ва қўшимча ойлик мукофот пуллари тўланади.

Маълумот учун жойлардаги газ таъминоти филиалларига мурожаат этишларини сўраймиз.

«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси маъмурияти.

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32.

Зиёрат

КЎРГАН КЎЗЛАР КЎВОНУР

Давр шиддати ёшу кексани Ватан равнақи, эл фаровонлиги учун астойдил ҳисса қўйишга қораяпти. Бу йўлдаги муҳим ва шарафли вазифалар ижросида муҳтарам Президентимиз ҳар томонлама шахсий намуна кўрсатмоқдалар. Ҳаётнинг энг қайноқ нуқталарида бўлиб, авлодларни улғувор ишларга бошлаш, каттаю кичикнинг қалбига ватанпарварлик ҳиссини оширишдек муҳим вазифаларни ўрнига қўйиб бажаришда Ўртбошимиздан қанча ўрнат қарзиди.


Ҳамма жойда қадриятларимиз улғуланмокда, тарихий обидаларимиз тикланмокда, халқимиз ўзлигини тобора яхшироқ таниб бормокда. Бу сазй-ҳаракатлар натижасида шундай бир юксак даражага эришдикки, Ўзбекистонимизни энди бутун дунё таниди, чинакамга тан олди. Тошкенту Самарқанд сингари қўшна шаҳарларимизни, азиз аждодларимиздан мерос қолган аjoyиб ва гаройиб обидаларимизни жаҳон ахли зиёрат қилиш, ҳеч бўлмаса бир марта кўришга мушток.

Фикримиз исботи учун биргина Самарқанд шаҳрини олиб кўрайлик. Қўшна бу шаҳар ўз даврида бутун оламни қойил қолдириб, гуллаб-яшнаган. Кейин қай аҳволга тушди-ю, ҳозир қанақа? Буюк аждодларимиз томонидан «Самарқанд сайқали рўйи заминасидан» дея улғуланган бу муаззам шаҳарнинг 2750 йиллигини нишонлаш арасидаимиз. Шундай қувончли кўнларда «Нуроний» жамғармаси Бўстонлик туман бўлими ҳаётида барчага ҳар томонлама ибрат бўлиб ашайётган бир гуруҳ кексаларни Самарқанд шаҳри зиёратига олиб борди. Бу оддийгина зиёрат эмас, сафардан олдин таассуротларни туман ахлига, айниқса, навиқрон авлодга батафсил тушунтириш, қалбларига сингдириш вазифаси ҳам юкланди. Зеро эъзуликларга ҳар бир ватандошимиз муносиб ҳисса қўйиши лозимлигини даврийинг ўзи талаб этиб турибди. Қолаверса, Самарқанд ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолмаган.

Зиёратчилар тонг саҳардаёк буюк эл Имом ал-Бухорий мажмуасига бордилар. Отаҳону онаҳонлар тарихий шаҳар қадамжоларию ҳайратомуз обидаларини зиёрат қилишди. Ният ҳолис ва пок бўлса иш албатта бароридан келади. Бунди кўрингки, бўстонликлик меҳмонлар Самарқанд вилояти «Нуроний» жамғармаси раҳбарлари бошличилида зиёратни давом эттирдилар.

Мен кўзларимга ишонолмасдим. Бойси, авваллари икки бор – 1972 йил ва саксонинчи йилларнинг бошларида Самарқандда бўлганман. Ўшанда ҳаммаёқ ташландик, ҳароб аҳволда эди. Буюк обидо қадамжолар вайрон бўлиб ётарди. Ким нима мақсадда юрибди, қиллар нималарни ўмариб кетяпти, бирон қимсаннинг иши йўқ эди.

Эндиғи буюк ўзгартишларни ҳаяжон ва заъв қилган кузатар эканман, чиндан ҳам ҳайратда эдим! Ҳадис тўплаш илмининг султони Имом ал-Бухорий ҳазратлари ёдгорлигидан бошланган зиёратимиз Ўлғубек расадхонаси, Шохи Зинда, Регистон, Ҳожа Аҳрор Валий қадамжоларида давом этиб, Бибиҳоним мажмуасида поёнига етди. Аввалги ҳунук манзаралардан энди ном-нишон қолмаган. Билимдон, сўзамол, ширинсухан ва дилқаш бошловчиларнинг ҳозиржавоблиги, самимий муомалалари кўнгиллари кўтарди, дилларга гурур ва заъв бағишлайди, соғинчи ўтмишини дилимизга ўчмас тарзда муҳрлаб қўяди. Энди мезбонларнинг боқишларида



катъият, ишонч ва албатта, Ватанимиз, юртимиз қиёфасида, халқимиз ҳаётида юз бераётган ағиланиш ва юксалишлардан гурурланиш, фахрланиш ҳислари шундоқкина уфуриб турибди...

Қадимий қадамжолар ва қўшна обидаларни қайта тиклаш билан бирга эъзуликлар йўлида қатагон ва қувғинларга учраган фидойи аждодларимиз руҳи покларини шод айлаш ҳам энг муҳим вазифадир. Бу масалада ҳам Президентимизнинг бошличилида катта ишлар рўёбга чиқариляпти.

Аjoyиб зиёратимиз зўр таассуротлар билан якулланди. Бу мўддат давомида бизларга ҳамроҳ бўлган мезбонлар ўз бурчларини аъло даражада адо этдилар. Энди навбат бизда. Самарқанддаги оламшумул ўзгаришларни, бу йўлда таърифлаб бўлмас даражада рўёбга чиқарилган бунёдкорликларни барча юртдошларимизга, биринчи навбатда фарзандларимизга батафсил етказишимиз, уларни ҳам шундай улғу ишларга олтаниришимиз лозим. Шундагина биз, нуронийлар Ватанимиз, Ўртбошимиз, қолаверса, маҳаллий раҳбарларимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар, ишонч эътиборларни оқлаган, виждонимиз поклигини сақлаган бўламиз.

Асад АСИЛ, ёзувчи.

Бун ҳаёт геўдуглар

тасмасидек ўтади, деб. Такдирга тан беришдан бўлак қораси қолмайди. Унга ягона бир нарсга таскин бериши мумкин: «Ҳар ҳолда бекор яшамасан. Кўп яхши-

отам амакимининг операциядан яхши чиқиларига ўчалоқ ишонмасангиз. Шунинг учун видолашгандек хайрлашадилар.

Афсус, чиндан ҳам шундай



ликлар қилдим. Одамлар мени унуттирмайди».

Бироздан кейин отам қайтди. Негадир хурсанд эдилар: «Э, ака, сизни операция қилдиладиган профессор ўзимизнинг қатортоллик Сайидхон аканинг ўғли экан-ку. Эсингиздами, урушдан аввал отамни шу ўғлини менга уқолга қўли олиб келарди. Тиримиз, жуда нозик қиқди-да, шу ҳам дўхтир бўлармикан, дерди».

Амакиминики жўлмайди: «Бун қара-я, тақдир-да».

Шундай. Тоғ тоғ билан учрашадилар, одам одам билан учрашаркан. Ўзлари дўхтир бўлганлари учун ҳам

бўлди. Бунда ҳеч қимни айблаб бўлмасди. Тақдир эди, ҳолос.

Мана шундай ҳаёллар билан кичик опокимни кўрган касалхонага етиб келдик. Отам операция қилувчи жароҳ билан гаплашдилар. «Ҳа, – деди у отамни таниб, – операция қилмади. Булмаса, опангиз бир ой ҳам яшамайди».

Отам ҳам дўхтирни танидилар. Бир пайтлар бирга ишлаган экан. Опокимнинг касаллик тарихини синчиқлаб ўқидилар. Кейин дўхтирга эътироз билдирдилар: «Сизлар бу касаллиқни фақат тахмин қилибсизлар. Тахлиллар

ошқозондаги яра қўриниши ёмон ўсма эканлигини етарли асосламайпти. Келинг, уйига рухсат беринг. Нима бўлса, пешонадан».

Дўхтир ноилзоқ кўнди. Опоким ётган палатага кирдик. Бечора бурчадаги темир қаравотда гўжанак бўлиб ётарди, бизни қўриб, йиғлаб юборди. Уни танимай қолдим. Бир пайтлар жуда хусандор бўлган аёлнинг, қол-қора қошлари остидаги чаросдек кўзлари ичкарига ботиб кетганди.

«Опа, – дедилар отам, – сизни олиб кетамиз».

– Вой, ростданим! – опокимнинг кўзлари қувончдан ми порлаб кетди. – Ахир, эртага операция қиламиз, дейишаётганди. Омон чиқмасдим».

Шундай қилиб, уларни касалхонадан олиб кетдик. Орадан ўн, ўн беш, йигирма йил ўтди. Опоким ҳамон яшардилар. Отам, онам ва мен бу муштлар аёлни ҳар қургани борганимизда ҳаётлариди ўша қалтис вазиятни эслаб, «касалхонада қолганимдан...» деб қўядилар. Ошқозонларидаги ярадан эса ном-нишон ҳам қолмаган.

Дунёнинг ишларига ҳайрон қолсан, киши.

Абдусаттор ХОТАМОВ.

КИМОШДИ
САВДОСИГА
МАРҲАМАТ!

Юкоричирчиқ туманидаги собиқ А. Яссавий ширкат хўжалиғи Қоратўхум маҳалласида жойлашган болалар боғчаси кимомши савдоси орқали сотилади. Талабгорлар тугатиш комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Тугатиш комиссияси.

Яккасарой туманидаги "MEDICAL AID" хусусий корхонасига 2005 йил 30 сентябрда берилган 001981 рақамли юридик шахсни давлат рўйхати-га ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда устав ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ



Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билди-

рувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.